



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2012-yil, 18-dekabr. Seshanba • 149 (31.581) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Аввал хабар қилингандек, шу йил 14 декабрь куни Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Фарғона деганда, авваламбор, «Олтин водий» деб ном олган, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимизнинг гавҳари бўлган гўзал диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади, деди давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида.

Бекиёв ва бетакрор табиатга, инсоннинг ҳавасини тортадиган мўтадил иқлимга, сўлим боғ-роғлар, фақат шу заминда уч-райдиган, дунёга доғруғи кетган турли ноз-неъматларга, кўна тарихга эга бўлган Фарғона вилояти ҳақида, унинг кўпни кўрган, ҳаётнинг, одамнинг қадрига етadиган, меҳнаткаш ва меҳмондўст, содда ва самимий инсонлари, ўз қўли билан ўзининг эртанги кунини, ёруғ келажакни кураётган, бағрикенг, валломат халқи ҳақида, бу элга хос бўлган эзгу хусусият ва фазилатлар ҳақида алоҳида тўхталар экан, Ислон Каримов вилоят аҳлига ўз қалбига, юрагига бўлган самимий сўзлари, меҳр-муҳаббатни изхор этиш катта мамнуният ва хурсандчилик бағишлашини таъкидлади.

Бугунги учрашувимиздан мақсад, деб ўз сўзини давом эттирди Юртбошимиз, жорий йил якунига етиб бориши билан ўтган давр мобайнида қилган ишларимизга ҳолисона баҳо бериш, кўлга киритган ютуқларимиз ҳақида фикр алмашиш, айни вақтда ҳал этилмаган, ечимини кутаётган муаммоларни сизлар билан бирга муҳокама қилиш, олдимизда турган вазифаларни белгилаб олишдан иборат.

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади.

Бутун юртимизда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, турли соҳаларда — бу саноат, қурилиш ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан ёки маданият бўладими — буларнинг барчасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Вилоят иқтисодиётида жорий йилнинг якуни бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 106,7 фоиз, жумладан, қишлоқ хўжалигида 107,5 фоиз, хизматлар бўйича 117,2 фоиз, пудрат ишларида 12 фоиз ўсишига

эришиш кутилаётганини қайд этиш лозим. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2000 йилга нисбатан 1,7 баробар ошди. Бундай натижаларни кўлга киритишда замонавий саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатдош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш жараёнининг изчил амалга оширилаётганини ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ишлаб чиқариш соҳаси олдига турган вазифалар ҳақида сўз юритиб, ўтган даврда ишга туширилган қувватлар, биринчи навбатда энг замонавий технологияларга эга бўлган корхоналар, маҳаллий хомашё, авваламбор, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш негизда чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда барпо этилган қўшма корхоналар фаолиятини атрофлича таҳлил этди.

Ана шу корхоналарнинг имкониятидан тўла фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириш орқали нафақат ички бозоримизни тўлдириш, шу билан бирга, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва шунинг ҳисобидан меҳнатчиларимизнинг даромади, ҳаёт даражасини юксалтириш бугунги кунда қандай долзарб аҳамият касб этаётгани бarchамизга яхши аён, деди Ислон Каримов.

Шу мақсадда кейинги вақтда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 89 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция ва кредитлар асосида тубдан модернизация қилинган, Фарғона азот ишлаб чиқариш бирлашмасига қарийб 95 миллион долларлик инвестиция жалб этилиб, унинг салоҳияти кескин оширилганини таъкидлаш лозим. Шулар қаторида охириги беш йилда Куvasойцемент, «Кварц», Қўқон суперфосфат, Қўқон механика заводи каби 10 дан ортиқ йирик саноат корхонасида 128 миллион доллардан зиёд инвестиция маблағи сарфланиб, модернизация ишлари амалга оширилгани албатта эътиборга лойиқ.

Шу билан бирга, таркибий ўзгартириш ва диверсификация ҳисобидан вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайганини айтиб ўтиш жоиз.

Жорий йилда тўқимачилик, озиқ-овқат ва пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 23 та корхона тижорат банклари балансига ўтказилиб, уларни модернизация қилиш учун 130 миллиард сўмдан зиёд инвестиция маблағлари йўналтирилди. Ана шундай ижобий тажриба асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва маиший кимё соҳасида фаолият кўрсатадиган 41 та корхонада ҳам маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, модернизация, техник ва технология янгилаш ишларини амалга ошириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Юртбошимиз нутқида вилоятда энг саноат соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар қилинаётгани эътироф этилди. Кейинги беш йилда мазкур тармоқда хорижий компаниялар билан ҳамкорликда умумий қиймати 91 миллион АҚШ доллари бўлган 12 та лойиҳа амалга оширилгани ҳам бу фикрнинг тасдиқлайди. Хозирги вақтда ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиги четга экспорт қилинмоқда. Энг муҳими, бу корхоналар 1600 дан зиёд ёшларни замонавий иш ўринлари билан таъминлаш имконини берди.

Амалга оширилаётган ана шундай ишлар туфайли вилоятда етиштирилаётган пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 2000 йилдаги 22 фоиз ўрнига 2011 йилда 54,7 фоизга етганини, ҳеч шубҳасиз, жиддий ўсиш сифатида баҳолаш ўринлидир.

Илгари биз четга фақат пахта хомашёсини сотардик. Бугун полуфабрикат, яъни ип-калага маҳсулотини сотапмиз. Дунёнинг узоқ-яқин ўлкаларида бизнинг ана шу маҳсулотларимизга талаб катта. Мазлумки, пахта толаси — ноёб маҳсулот, уни етиштириш учун деҳқонларимиз йил давомида фидокорона меҳнат қилади. Мана шундай меҳнат эвазига олинган маҳсулот ҳисобидан минг-минглаб одамларимиз нафақат даромад топапти, шу билан бирга, Ўзбекистон пахтасининг дунёда ном қозонишига ҳисса қўшмоқда. Шу маънода, бугун биз пахта хомашёсини биринчи босқичда ўзимизда қайта ишлаб, четга сотаётганимиз, албатта бу — катта ютуқ, деб таъкидлади Ислон Каримов.

(Давоми 2-бетда.)

Муносабат

ФАРОВОН ВА ТИНЧ ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ

ҲАММАМИЗНИНГ ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗ

ЎЗИ ЯШАБ ТУРГАН УЙНИ, КЎЧА-КЎЙ ВА МАҲАЛЛАНИ КЎРКАМ, ЧИРОЙЛИ, БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ҲАР ЖИҲАТДАН ОБОД ҚИЛИШ АЗАЛДАН ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТДИР. МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН ЯНГИ — 2013 ЙИЛ «ОБОД ТУРМУШ» ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ОИЛАМИЗ, МАҲАЛЛАМИЗ, УМУМАН ОЛГАНДА ҲАЁТИМИЗ ЯНАДА ФАЙЗЛИ ВА ФАРОВОН БЎЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ, АЛБАТТА.

Куни кеча Президентимиз Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти ҳам асосан бунёдкорлик ишлари, халқимиз, ҳар бир инсон фаровон яшашига шароит яратиш масаласига бағишланди. Юртбошимизнинг Фарғона аҳлига билдирган илиқ сўзлари, ишончи кўнгилмизни тоғдек кўтарди, зиммамизга улкан масъулият юкледи.

Фарғона шаҳри марказий қисмини реконструкция қилиш дастурига асосан улкан бунёдкорлик ишлари авж олиб, шаҳарнинг ижтимоий, транспорт, муҳандислик ва коммуникация ин-фраструктураси замон талабларига асосида шаклланимоқда. Бу ерда қурилаётган 20 минг кишига мўлжалланган стадион, унга уй-ғун равишда бунёд этилаётган футбол академияси, минг кишига мўлжалланган санъат мажмуаси, 500 ўринли замонавий ам-

фитеатр, ёпиқ сув ҳавзаси ва яна бошқа бир қатор замонавий иншоотлар бутун Фарғона аҳлини руҳлантирмоқда.

Энг муҳими, мазкур ишлар билан халқимизнинг ҳаёт сифати янада юксалаёпти. Айтиш жоизки, шаҳарда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари «Обод турмуш» йилида давлат ва жамиятимиз олдига қўйилган вазифалар билан узвий ва ҳамохангидир.

Юртбошимиз нутқида 2013 йилда халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби масалалар асосий вазифалар сифатида қайд этилди. Партиямиз дастурий-мақсад-

ларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, нутқда илгари сурилган гоғлар биз депутатлар зиммасига жиддий масъулият юклайди. Негаки, юқоридаги вазифаларнинг самарали ҳал этилиши аҳоли, хусусан, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш беришга хизмат қилади.

Шунинг учун Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари ташаббускорликни янада кучайтириши, электротар манфаати ҳимояси йўлида бу имкониятлардан самарали фойдаланиши зарур.

Тоғиболди ХОЛДОРОВ,
«Нуроний» жамғармаси,
Фарғона вилоят бўлими раиси,
Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатилик гуруҳи аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН IV МОДДАГА МУВОФИҚ 2012 ЙИЛГИ МАСЛАҲАТЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МИССИЯ ИШИНING ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

БАЁНОТ

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ (ХВЖ) МИССИЯСИ 2012 ЙИЛНИНГ 28 НОЯБРЬ – 7 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ IV МОДДА БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЛАР ДОИРАСИДА МУҲОКАМАЛАР ЎТКАЗИШ УЧУН ТОШКЕНТДА БЎЛДИ. МИССИЯГА ХВЖНИНГ ЯҚИН ШАРҚ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ДЕПАРТАМЕНТИ БЎЛИМИ БОШЛИГИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВЕРОНИКА БАКАЛУ ХОНИМ РАҲБАРЛИК ҚИЛДИ. ХВЖНИНГ ЯҚИН ШАРҚ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ДЕПАРТАМЕНТИ ДИРЕКТОРИ ЎРИНБОСАРИ ДАНИЕЛА ГРИССАНИ ХОНИМ МИССИЯ ИШИНING ДАСТЛАБКИ МУҲОКАМАЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

ХВЖ миссияси ва Ўзбекистоннинг расмий органлари сўнги даврда иқтисодиётда рўй бераётган воқеалар ривожини муҳокама этиб, яқин ҳамда ўрта муддатдаги истиқболлар, шунингдек, жаҳон иқтисодиёти ривожланиши секинлашшининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳақида фикр алмашди. Вероника Бакалу хоним миссия иши якунлари тўғрисида қуйидагича баёнот берди:

«Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги мустақам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатнинг глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди.

(Давоми 3-бетда.)

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси



ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

аҳоли саломатлигини сақлашда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутади

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАРШИ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ВА САНОАТ, ТРАНСПОРТ, ҚУРИЛИШ ВА КОМУНАЛ ХЎЖАЛИК, АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲАМДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОҲАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚЎШМА ЙИГИЛИШИДА «ЧИҚИНДИЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ ИЖРОСИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

(Давоми 3-бетда.)

Тадбир

ТАЪЛИМ — ДАРСЛИКДАН БОШЛАНАДИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚУВ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ МУАЛЛИФИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИНГ 2012 ЙИЛГИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

— Биз бугун фахр-ифтихор билан шунини айтмаймики, мазкур танловнинг салоҳияти ва моҳияти йил сайин юксалиб, тайёрланаётган ўқув адабиётлари сифатининг орттишига, давлат таълим стандартларига мувофиқлиги таъминланишига хизмат қилмоқда. — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазири Баҳодир Ходиев. — Бу эса ўз навбатида янги авлод ўқув адабиётларини яратишда иштирок этувчи муаллиф-

лар жамоасини шакллантириш имконини яратмоқда. «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2012» республика танловида жами 191 номдаги адабиётлар қатнашиб, уларнинг 168 таси олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича, 17 таси ўрта махсус касб-хунар таълими ва 6 таси умумий ўрта таълим ўқув адабиётлари ҳисобланади.

(Давоми 4-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 18 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2576,35	1 Дания кронаси	349,13	1 Хитой юани	317,91	1 Туркия лираси	1113,50
1 АҚШ доллари	1980,25	1 БАА дирҳами	539,15	1 Украина гривнаси	247,75	1 Швейцария франки	2155,49
1 Россия рубли	64,53	1 Миср фунти	321,31	1 Малайзия ринггити	647,99	10 Жанубий	
1 Австралия доллари	2086,39	1 Испания кронаси	15,71	1 Польша злотийси	539,41	Корея вони	18,46
1 Англия фунт стерлинги	3200,28	1 Канада доллари	2008,37	1 СДР	3043,57	10 Япония иенаси	235,69

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Эртанги кун бизники, марра бизники!

ЯҲОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШАМИЗ

4-бет

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Айни вақтда қимматбаҳо бойлик бўлган пахта толасини биздан сотиб олаётган бошқа мамлакатлар уни яна қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш орқали қўшимча равишда яна 2-3 карра кўп даромад олмақда. Савол туғилади — нима учун шу ишни биз ўзимиз қилишимиз мумкин эмас?

Бир вақтлар биз 900 минг тонна пахта толасини собиқ Марказ ихтиёрига жўнатардик, у ерда ўтирганлар бу бойликни кимга, қанча нархда сотаётганини республикамизда ҳеч ким билмасди.

Ушча пайтлари «Ўзбекистон олтин макони» деган сўзлар кўп айталирди. Лекин Ўзбекистоннинг олтини, бошқа рангли металлари кимга сотилапти, қайси нархда сотилапти ва бунинг ҳисобидан Марказ қанча даромад оляпти, бу даромаддан бизга нима тушаяпти — ана шу ноёб бойликлар эгаси бўлиши халқимиз бу ҳақда ҳеч нарса билмас эди. Ҳатто Ўзбекистоннинг молия вазيري бўла туриб, бу ҳақда мен ҳам билмасдим, деди Ислол Каримов. Мен Давлат план қўмитасида 20 йил хизмат қилганман, Молия вазирлигида 4 йил ишлаганман, бинобарин, ана шу масалалар бўйича менда маълумот бўлиши керак эди. Бу хусусда бирор-бир ахборот олишга интилсам, бу сенинг ишинг эмас, деган кўпол жавоб олардим.

Минг шукурки, энди у кунлар ортда қолди. Мен жойларда бўлиб, деҳқон ва фермерлар билан учрашганимда бу масалалар бўйича очиқ ва ошқора маълумот беришга ҳаракат қиламан. Айни вақтда уларнинг бу борада етарлики ҳабардорлиги, мисол учун, пахта ёки галланнинг жаҳон бозоридики нархлари қандай экани, бу нарх-навоини нега ўсгани ёки аксинча, нега пасайгани ҳақида ҳар томонлама маълумотга эга эканини кўриб хурсанд бўламан. Бу ҳақда нафақат қишлоқ хўжалиги ходимлари, балки шу юртда яшаётган ҳар бир одам фикр юритиши табиийдир.

Бизнинг билим ва савиямиз мана шундай ўзгариш бораётганини, халқимиз ўз ери, ўзи етатирган маҳсулотнинг, мамлакатимиз бойликларининг ҳақиқий эгасига айланганини мен Президент бўлиб ҳар қадамад сезилман ва бу бизга катта кучкуват бағишлайди. Лўнда қилиб айтадган, онгу тафаккури, дунёқараш тибора юксалиб бораётган бундай халқни ўз танлаган йўлидан қайтариш асло мумкин эмас, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Фаргона вилоятида турли хомашё захиралари ва меҳнат ресурслари етарли эканини эътиборга оладиган бўлсак, бу ерда пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини янада ошириш, энг асосийси, истеъмол молларни, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни муҳим вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблашимиз зарур, деб қайд этди Президентимиз.

Шуни яхши аглаб олишимиз зарурки, пахта толасини қайта ишлаш асосида экспорт қилинадиган ип-калавани тайёр маҳсулот даражасига кўтариш учун четдан замонавий технологиялари олиб келиб ўзимизда ишга солсак, бу, биринчидан, маҳсулотга қўшимча қиймат қўшиб, янги даромад топиш, иккинчидан, янги иш ўринларини кўпайтириш имконини беради. Уйлайманки, бунинг учун бизда барча шарт-шароитлар бор, деди Ислол Каримов. Бу борада нуфузли хорижий компания ва фирмаларни кенг жалб этиш, уларнинг замонавий технологияларидан, ишни ташкил қилишининг самарали усуллари билан фойдаланиш ана шу мақсадга эришишининг энг мақбул йўлидир.

Бугунги кунда замонавий лицей ва коллежлар, олий ўқув юрталаримизни битириб чиқётган ёшларимизнинг савияси, малакаси шундай ўсганки, буну шу йил февраль ойда Ташкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда иштирок этган ривожланган мамлакатларнинг манаман деган йирик олимлари, таълим соҳаси мутахассислари ва ташкилотчилари ҳам тан олди.

Шундай экан, бугунги кунда четга сотаётган полуфабрикатни тайёр маҳсулотга айлантириш бўйича бизда улкан имкониятлар мавжуд, деб айтишга барча асосларимиз бор. Яъни, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаёй вояга етаётган, интеллектуал ва мавнавий даражаси, замонавий касб-хунар ва етакчи хорижий тилларни билиши жиҳатидан тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан баҳслашишга, керак бўлса, курашишга, ҳар қандай мураккаб вазифани удралашга қодир бўлган ёшларимиз бугун ҳаётга кириб келяпти. Бу барчамизга ғурур ва ифтихор етказида, албатта.

Мен вилоят ва туманларда бўлганимда, деб фикрини давом эттирди Юртбошимиз, одамларнинг, айниқса, ёшларимизнинг модага қараб,

дид билан замонавий қийинишни кўриб чиндан ҳам ҳавасман келади. Бир вақтлар бу масалада қандайдир хижолат тортиб юрган бўлсак, бугун манзара тубдан ўзгаряпти. Утган йили Наманганда ёш бир тadbirkор ташкил этган тикув фабрикаси фаолияти билан танишган эдим. У ерда тикилаётган замонавий костюмлар чет элларнинг энг яхши компаниялари маҳсулотидан асло қолишмайди. Демокчиманки, бугун бизнинг турмуш маданиятимиз ҳам юксалиб бормоқда. Бу ўз навбатида халқимизнинг эркин ва фаровон яшаётганининг намёни ҳамдир.

Инсон бу дунёда ҳаётдан мамнун бўлиб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб яшashi керак. Яъни, фақат меҳнат қилиш эмас, Худонинг буюрганини бажариб, шу билан бирга, берган неъматига шукур қилиб яшash оқилона ва бахтли ҳаёт кечиршининг асосий белгиси, десак, янглишмаган бўламиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кенг тарқалган «Биз ҳеч қимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қимдан кам бўлмаймиз» деган шioriни бугун юртимизда ҳамма, ҳатто ёшларимиз ҳам билади. Мен сизлардан, сизларнинг тимсолингизда ана шундай оижаноб давлатни кўллаб-қувватлаган бутун халқимиздан миннатдорман, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Сессияда қўшма қорхоналар сонини кўпайтириш, ана шу асосда янги иш ўринларини ташкил қилиш, айникса, қишлоқ жойларда аҳолини иш билан банд этиш, одамларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш, ҳаёт сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Албатта, бу борада Фарғона вилоятида кўллаб амалий ишлар қилинганини эътироф этиш жоиз. Вилоятда хорижий сармос иштирокида 107 та қорхона ташкил этилгани ҳам бунинг тасдиғидир. Лекин мавжуд қўшма қорхоналарнинг асосий қисми — 68 таси ёки 63 фоизи Фарғона, Қўқон, Марғилон ва Куvasой шаҳарларида жойлашгани бу борада номутаносиблик борлигидан далолат беради. Холбуки, баъзи ҳудудларда, масалан, Фурқат ва Кува туманларида бирор-та ҳам қўшма қорхона ташкил этилмаган.

Вилоятда рўйхатга олинган қўшма қорхоналарнинг 12 таси ёки 11 фоизи фаолият кўрсатмаяпти. Уларнинг асосий қисми Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарлари, Данғара, Риштон туманларига тўғри келмоқда.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, шу масалада бошқаларга ўрнак бўлаётган шахар ва туманларнинг раҳбарларига раҳмат айтмоқчиман, деб қайд этди Президентимиз. Айни вақтда бу соҳада қолюқликка йўл қўётган мутасадди шахсларга йўлни бир савол бермоқчиман: сизларнинг бу масалада нима тўсиқ бўлиб турибди? Ёки сизлар бoш бўлган ҳудудларда ёш бўладими, ўрта ёш бўладими, иш излаб юрган одамлар йўқми? Ишлайман, ўз меҳнатим билан оилами боқаман, деб юрган одамларнинг, катта умид билан ҳаётга қадам қўётган ёш йигит-қизларнинг кўзига биз қандай қарашимиз мумкин?

Бундай қорхоналарнинг келажакни кўзлаб иш олиб боришда, эртанги кунга ишонч уйғотишда қандай катта аҳамиятга эга эканини қачон тушуниш етамиз?

Айтиш керакки, бу масалада эскича ёндашув, ўзибўларчилик кайфияти билан узоққа ҳориб бўлмайди. Вақт бор экан, бундай танқидий гаплардан хулоса чиқариб олиш зарур, деб ўйлайман. Раҳбарлик вазифаси бизга вақтинчалик, таъбир жоиз бўлса, насия қилиб берилган. Халқ ишончи бор экан, шу ишончага умидсиз бўлиш керак. Етакчи деган одам раҳбар бўлиб узoқни кўра оляпманми, бошқаларга ўрнак бўляпманми, деб доимо ўзига савол бериши лoзим. Ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш, аввало ўз устида ишлаш керак. Юзак ишлар билан юрадиган одамларни халқ ҳеч қачон ҳурмат қилмайди, деди давлатимиз раҳбари фикрини давом эттириб.

Бугунги кунда эл-юртимиз, айникса, ёш авлодимизнинг дунёқарashi, фикрлаш даражаси шундай тез сурьятлар билан ўсмоқдаки, энди номирга раҳбар бўлиб ўтириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Хозирги вақтда, қандай қийин бўлмасин, аҳолини иш билан банд этиш масаласини энг муҳим вазифамиз деб билишимиз керак. Янги-янги қорхоналар қуриш ҳисобидан иш жойларини кўпайтириш учун инвесторларни «отанг — яхши, онанг — яхши» деб кўндириб, ҳамкорлик қилиш учун юртимизга олиб келиш лoзим.

Мен ҳокимларни Президентнинг жойлардаги вакиллари, деб таърифлаганман. Агар сиз менинг вакиллари бўлсангиз, Президент бугун ўртага қўяётган фикрлар, гoялар билан яшашингиз керак эмасми?

Қўшма қорхона дегани биринчи

навбатда замонавий ишлаб чиқариш, замонавий иш ўринлари дегани. Лекин бундай қорхоналарни ташкил этишда аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотни кимга, қайси бозорда сотиш ҳақида ўйлаш зарур, деди Ислол Каримов.

Хозирги кунда дунёда нима учун шундай огир молиявий-иқтисодий инқирoз юз бормoқда? Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш қийин бўлаётгани билан боғлиқ. Мана, масалан, Европа баъзи маҳсулотларни сотиб олмамаяпти. Инқирoзни бошидан кечираётган айрим давлатлар бизнинг экспортга чиқараётган маҳсулотларимизнинг нархини ҳам, ҳажмини ҳам камайтирмоқда. Лекин энди шундай экан деб, «Олма пиш — оғзимга туш», деб ўтиришимиз керакми? Замон қийинчиликларига таслим бўлиш эмас, бу қийинчиликларни енгиб яшашга ўрганишимиз зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Барчамизга маълумки, Фарғона вилояти ўзининг қадимий деҳқончиликлари мактабига эга, тупроқдан зар ундиришга қодир бўлган ҳақиқий миришқорлар юрти ҳисобланади.

Хозирги вақтда вилоят меҳнаткашлари 250 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ота-боболаримизнинг бой тажрибаси, замонавий илмлар ютуқлари асосида пахтачилик, галлачилик, богдорчилик, узумчилик ва бошқа тармоқларни жадал ривожлантириб келаётганлари таҳсинга сазовордир.

Жорий йилда фарғоналик омилқор деҳқонлар 650 минг тонна дон, 282 минг тонна пахта ҳосили етиштириб, шартнома мажбуриятларини муваффақиятли адо этишди.

Бу йилги мавсумда пахта ҳосили ёғин-сонини кунларга қолдирилмасдан, 45 кунда йиғиб-териб олингани, унинг 75-80 фоизи оқори сортларга топширилгани, айтиш керакки, пахтачилик соҳасида кам учрайдиган ҳодисадир.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай юксак марраларга эришиш йўлида ўзини яамасдан фидоқорона меҳнат қилган деҳқон ва фермерларимизга, барча қишлоқ меҳнаткашларига ўз номидан, халқимиз номидан чўқур миннатдорлик билдиришни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан, деб таъкидлади Президентимиз.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, тупроқ умумдорлигини ошириш энг долзарб масала бўлиб турибди.

Вилоятни етарли сув захираси билан таъминлаш мақсадида олий бoрилаётган амалий ишлар натижасида сизими 350 миллион куб метр бўлган Марказий Фарғона сув ombорининг биринчи навбати қурилиши якунланиб, янги мавсумда уни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Бу деҳқон ва фермерларимиз учун сув таъминотида катта имкониятлар тугдирди.

Шунингдек, Риштон, Олтиариқ, Ёзёвон, Бағдод туманларида 56 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш учун Жаҳон банкнинг салкам 68 миллион 500 минг доллар, «Бешарик», «Фурқат-1» ва «Данғара» насос станцияларини реконструкция қилиш учун Oсиё тараққий банкнинг 33 миллион 500 минг доллардан ортиқ кредит маблагини жалб этиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги ривожини янги поғнага кўтариш, деҳқонларимиз меҳнатини енгилашти, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгани билан, айникса, эътиборлидир.

Мажлисида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида Фарғона вилоятида ютуқлар билан бирга ҳал қилиниши керак бўлган қатор муаммолар ҳам мавжуд экани қайд этилди.

Масалан, кейинги уч йил давомида вилоят хўжаликларига 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағ, турли техник ва транспорт воситалари етказиб берилган бўлса-да, машина-трактор парklarининг ҳолати бугунги кун талаблари даражасида деб бўлмайди.

Фарғона вилоятининг тупроқ шaroити ҳақида гапирганда, айтиш керакки, вилоятнинг 48 фоиз ери турли даражада шўрланган. Биз бу ҳолатни тўғри тушулган ҳолда, шу муаммони ечиш учун барча имкониятларни изляяпмиз: ҳар йили миллиардлаб сўм маблагни айни шу мақсадга йўналтиряпмиз, деҳқонларимизга шарoит яратиб бераямиз, энг замонавий экскаватор ва бошқа техникаларни сотиб оляпмиз. Агар биз шуни қилмасак, бугун қандай аҳволга тушар эдик? Охириги 3-4 йилда қилган ишларимиз деҳқонга енгл нафас олишга имкон бормоқда. Жумладан, вилоят бўйича сўнгги беш йилда Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида жами 56 миллиард сўмдан зиёд бюджет маблаг

сарфланиб, катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

Бу йўналишдаги лoйиҳаларни изчил давом эттириш учун келгуси йилда давлат бюджетидан қарийб 28 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу қўшимча равишда 27 минг гектардан ортиқ сугориладиган ерининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради. Шу билан бирга, вилоятда бу ўта муҳим масалада айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Утган беш йил давомида вилоят бўйича мавжуд коллектор-дренаж тармоқларининг ўртача 51 фоизи таъмирланган бўлса, бу кўрсаткич Бешарик туманида 31 фоизни, Бағдод, Ёзёвон, Олтиариқ, Риштон туманларида 40-47 фоизни ташкил этмоқда.

«Сен ерни боқсанг, ер сени боқад» деган мақолни мен аввало миришқор деҳқонлардан эшитганман. Шу маънода, ер ҳам тирик жон, десак, тўғри бўлади. Шундай экан, нима учун ажратилган маблагларни ўзлаштириш масаласида Фарғона вилоятида камчиликлар бор? Нима учун ажратилган маблагларни бир тумандан олиб бошқасига беришга мажбур бўляпмиз?

Мана, мисол учун, Бешарик туманида ажратилган 620 миллион сўмдан зиёд маблагнинг 216 миллиони, Данғара тумани бўйича қарийб 800 миллион сўм маблагнинг 130 миллион сўми ўзлаштирилмаган. Шу сабабли бу маблагларни Тошлоқ ва Бувайда туманларидаги мелиоратив тadbirkорларни амалга ошириш учун қўшимча тарзда йўналтиришга тўғри келган.

Бир туманда раҳбарлар, мутахассислар ишлаяпти, иккинчисиде эса дансаласика берилган ёки бу ишининг аҳамиятини яхши тушунамайди. Билиб қўйинглар, агар ермизнинг дардида дармон бўлиб, тупроқ умумдорлигини оширишга эришмасак, ўз кўзлаган мақсадларимизга етиш қийин бўлади, деди Президентимиз.

Юртимизда мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракатини бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий-меърий замин яратиш, уларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, ерга, мулкка, ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотга эғалик ҳиссини кучайтириш, фермер хўжаликларининг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш борасида кенг қўламли чoра-тadbirkорлар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тұхтаб турмайди, замон ўзгаряпти, аҳолининг сони, талаби ва эътиёжлари ортиб бормоқда.

Шу борада бошлаган ишларимизни янги, юксак бoшқича кўтариш, фермерлик ҳаракатини ҳақиқатан ҳам ҳаётимиздаги ҳал қилувчи кунга айлантириш мақсадида яқинда «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чoра-тadbirkорлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилиниб, унда мазкур соҳани ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Фермер хўжаликларини нафақат юкoри ҳoсил оладиган, айни вақтда етиштирилган ҳoсилни қайта ишлаш, турли замонавий сервис хизматлари билан шуғуullanадиган кўптармакли бўжалик субъектларига, туман даражасида ҳақиқий бошқарувчига айлантириш каби вазифаларни амалга оширишда яқинда ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, жумладан, ушбу кенгашнинг Фарғона вилоят ва туман бўлиmlари ўзининг ижобий таъсири ва аҳамиятини кўрсатади, деб ишонаман, деди мамлакатимиз раҳбари.

Мажлисида Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни жадал ривожлантириш, бу муҳим тармоқ учун ҳар томонлама қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрополич тахлил этилди. Аввало, бу соҳанинги ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улushi 2000 йилга нисбатан деярли 2 барoбар oшгани ва 2011 йил якуни бўйича 61,2 фоизни ташкил этаётгани ижобий баҳоланди.

Фақат жорий йилнинг ўзида юздан ортиқ кичик қорхонани барпо этиш ва модернизация қилиш учун 238 миллиард сўмлик инвестиция сарфланди. Натижада кичик бизнес субъектлари томонидан 387 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 38 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Шуниси эътиборлики, кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик маҳаллий хомашё асосида замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасига чўқур кириб бормоқда. Утган уч йил давомида вилоят бўйича 9 та гишт заводи ишга туширилгани, айникса, Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Риштон, Сўх туманларида қурилиш индустрияси қорхоналари фаолияти йўлга қўйилгани бу

фикрни тасдиқлайди. Ана шу объектларда 6,5 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилгани аҳоли гоят zich яшайдиган Фарғона шарoитида қандай муҳим аҳамиятга эга экани ҳам маммизга яхши аён, албатта.

Шу маънода, вилоятда иш билан банд аҳолининг салкам 80 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик соҳасида меҳнат қилаётгани бу тармоқнинг нақадар катта имкониятларга эга эканидан далолат беради. Бундай ўзгариш мамлакатимизда ўрта синфни шакллантиришда беқиёс аҳамиятга эга, деб фикрини давом эттирди Юртбошимиз.

Ўрта синф — мулк эгаси, Ўзбекистоннинг бугуни ва келажакни ҳал қиладиган куч. Бу синф жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан энг кўп манфаатдор бўлган ижтимоий қатламдир. Мулк эгаси ҳеч қачон бекорчи ишларга вақт сарфламайди. Чунки у доимо иш билан, меҳнат билан банд. Фермерларимиз ҳам айни шу қатламга мансуб бўлиб, қишлоқ жойларда эртанги кунимиз пойдеворини яратишда ўз хиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистонда ўта бойлар ҳам, ўта қашшоқлар ҳам бўлмайди, деган тoмоил биз танлаган йўл — ўзбек моделининг ажралмас қисmini ташкил этиши сизларга яхши маълум. Биз танлаган бу тизим, бу йўлни халқимиз кўллаб-қувватламоқда. Ана шу мақсад йўлида ўзини аямасдан меҳнат қилаётган юртдошларимизга ҳар қанча раҳмат айтсак эризйди.

«Мустаҳкам оила йилинда амалга оширган ишларимиз айни шу мақсадлар, яъни ўрта синфни мустаҳкамлаш масаласи билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, жамиятимизда тadbirkорликни, айникса, оилавий тadbirkорликни ривожлантиришда янги бир бoшқични бошлаб берди. Оилавий тadbirkорлик деганда, оила деганда, аввало унинг таъини бўлган oпа-сингилларимизни тушунамиз, уларнинг бу борада ҳам фаoлилик кўрсатаётгани ҳаммамизни қувонтиради. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизнинг барча аёлларига ана шундай меҳнатлари учун ўз миннатдорлигини билдирмоқчиман, деди Президентимиз.

Мажлисида ижтимоий соҳа ривожини, аввало замонавий транспорт-коммуникация тармоқларини тараққий эттириш бўйича бутун мамлакатимиз қатори Фарғона вилоятида ҳам жиддий ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Бу борада бундан уч йил аввал Ангрен шаҳрида ташкил этилган Халқаро логистика марказининг аҳамияти, айникса, катта бўлмоқда. Бу барказ бугунги кунда Фарғона водийеси билан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида автотранспорт воситасида юк ташиш инфратузилимасини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойда мазкур марказдан Камчиқ довоани орқали 5 миллион 200 тонна юк тегишли манзилларга етказиб берилди. Ана шу юкларнинг деярли ярми Фарғона вилоятига тўғри келди.

Шулар ҳақида гапирганда, аввало Қамчиқ довоани орқали барпо этилган коммуникация тармоғини — замонавий автомобиль йўлини ишга туширганимиз қанча-қанча муаммоларни ечиш, Фарғона водийесини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан ишончли тарзда боғлаш, қорхоналари зарур материаллар билан таъминлаш, одамларнинг узoғини яқин қилишда қандай беқиёс аҳамият касб этганини, ўйлайманки, изохлаб ўтиришининг ҳожати йўқ, деб қайд этди Ислол Каримов.

Айни вақтда иқтисодийотимизнинг бамисоли қон томири бўлган бундай транспорт-коммуникация тизимларини янада такомиллаштириш учун яна кўп ишлар қилишимиз зарурлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Шу борада Фарғона водийесида, жумладан, Фарғона вилоятида мана шундай логистика марказлари, яъни халқ хўжалиги учун зарур бўлган турли юкларни жамлаш, ташиш ва харидорга етказиб беришга ихтисoслашган марказларнинг фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, бунинг учун маҳсус дастур ишлаб чиқиб, жорий этиш зарурлигига Юртбошимиз нутқида алоҳида эътибор қаратилди.

Яна бир муҳим ижтимоий вазифа — Фарғона вилояти аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича ҳам катта лoйиҳалар амалга оширилмоқда. Буну кейинги йў йилда 2 минг 120 километрик сув тармоғи янгатдан қурилиб, вилоят аҳолисининг марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлашни даражаси 91,2 фоизга етказилгани ҳам кўрсатиб турибди.

Ана шундай кенг қўламли ишларнинг изчил давоми сифатида Oсиё тараққий банкнинг қарийб 97 миллион доллар маблагга ҳисoбидан Қўқон шаҳрида янги тозалаш иншоотларини қуриш ҳамда oқова сув тар-

моқларини, шунингдек, Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Риштон тумани марказида сув тармоқларини реконструкция қилиш лoйиҳасини 2015 йилга қадар амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Яна бир долзарб масала, яъни вилоятда хизмат ва сервис соҳасининг ўсиши мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан анча оқарга қолаётгани мажлисида афсус билан қайд этилди. Бу борадаги рақам Фарғона вилоятида 2011 йил якуни билан 43 фоизни, мамлакатимиз бўйича эса 50,5 фоизни ташкил этаётгани ҳам буну яққол кўрсатиб турибди. Сессияда мазкур ҳoлатни ижобий томонга ўзгатириш учун Вазирлар Маҳкамаси бу масалани алоҳида ўрганиб чиқиши зарурлиги ўқтириб ўтилди.

Бугун Фарғона шаҳрида барпо этилган айланма йўлни кўриб хурсанд бўлдим, деди Ислол Каримов сўзини давом эттириб. Бу йўл тимсолида мен Фарғонани янгатдан кашф этгандек бўлдим. Бу йўл Фарғона шаҳри ривожига ҳар томонлама кучли туртки бериши шубҳасиз. Коммуникация пайдо бўлса, албатта унинг атрафюида дўконлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, гузаллик салoнлари, дам олиш жойлари, энг муҳими, янги-янги иш жойлари ҳам пайдо бўлади.

Бугунги кунда энг ўткир масалалардан бири бўлиши одамларни иш билан банд қилиш мақсадида Фарғона вилоятида амалга ошираётган ишларни янада жадаллаштириш, унинг самарасини ошириш, биринчи навбатда коллежлари битириб чиқайтган ёшларни эғаллаган касб-хунарига қараб иш билан таъминлаш борасида ҳам кўп иш қилишимиз керак, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Утган ўқув йилида коллеж битирувчиларининг 58 мингтасидан 7 мингтаси ишга жойлаштирилмай қолгани ҳам бу масалада муаммолар борлигини кўрсатади.

Одамларнинг, айникса, ёшларнинг тақдирини, келажакни ҳал қиладиган бу масалага эътиборни янада кучайтириш, шу ишга мутасадди бўлган раҳбар ва хизматчиларнинг масъулиятини ошириш лoзим. Бир сўз билан айтганда, бу масала довомида вилоятда кун тартибда турши зарур.

Айни шу муаммонинг тўғри ечимини топиш, ҳар қайси одамнинг кучи ва қобилиятига яраша иш топиб бериш, шу орқали уларни даромад билан таъминлаш ҳисoбидан халқ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Ёш авлодни дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида вилоятда таълим-тарбия, маданият ва спорт иншоотларини қуриш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг исботини ўтган етти йилда жами 8 та академик лицей ва 100 та касб-хунар коллежи, 11 та мактаб, 16 та мусика ва санъат мактаби, 115 та спорт объекти, жорий йилнинг ўзида эса 13 та мактаб, 3 та касб-хунар коллежи, 730 ўринли ётоқхона қурилгани ва реконструкция қилингани мисолида кўриш мумкин. Яқинда мен газетада Марғилонда бунёд этилган замонавий мусика мактабининг суратини кўриб, қани энди, ёш бўлсам, мен ҳам шундай мактабга кириб ўқиган бўлардим, деб беихтиёр орзу қилдим. Уйлайманки, барча ота-оналар бугунги кунда фарзандларимиз учун яратилаётган шароитларни кўриб, уларга ҳавас қилиши табиий.

Юқорида зикр этилган барча рақамлар албатта муҳим, лекин уларнинг негизиде турган энг оғир ва мураккаб масала — ёш авлодни ҳисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш вазиёсининг моҳияти ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийсалаб бўлмайди.

Такрор айтаман, бизнинг бу борадаги ютуқларимизга кўриб, Ўзбекистон шундай ишларга қодир экан, деб, дунё жамоатчилиги қойил қолмоқда. Шундай экан, бу ишларимизни албатта охирига етказишимиз, бундай таълим даргоҳларини нафақат қуриш ва жиҳозлаш, балки фарзандларимизга таълим-тарбия бериш учун энг юксак малакали ўқитувчи ва мутахассисларни жалб этиш, уларнинг билим ва малакасини замона талаблари асосида ошириб боришга энг муҳим, гоёт масъулятли вазиёфа деб қарашимиз лозим.

Мана, кунга кеча Буюк Британиянинг нуфузли Marlescroft консалтинг компанияси томонидан инвестиция муҳити энг қулай бўлган давлатлар-

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда.)

нинг рўйхати эълон қилинди. Дунёдаги 175 та мамлакатни қамраб олган ана шу рўйхатда Ўзбекистон етакчи 20 та давлат қаторидан жой олган. Бу нимадинг далолати? Бу биринчи навбатда амалга ошираётган ислохотларимизга, бизнинг келажгимизга, ёшларимизга бўлган ишончининг далолати десак, айни ҳақиқат бўлади, деб таъкидлади Президентимиз.

Сўнгги йилларда қадимий Марғилон ва Қўқон шаҳарларининг қиёфаси мутлақо ўзгариб, улар Ўзбекистонимизнинг энг замонавий ва гўзал шаҳарларига айланиб бораётгани барчамизни қувонтирди. Хусусан, Марғилон шаҳрида амалга оширилган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари натижасида кўплаб янги бинолар, маданият ва маърифат масканлари барпо этилди, Пирсиддик мейморий мажмуаси, Улуғмозор зияратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий макбараси ва музейи каби тарихий-маданий ёдгорликлар қайтадан тикланди.

Қўқон шаҳрида амалга оширилган улкан миқёсдаги қурилиш ва обodonлаштириш ишлари ҳисобидан шаҳарнинг марказий қисмидаги кўрими-сиз иморатлар ўрнида замонавий бинолар қад рўстлади. Жумладан, Ўрда, Озодлик, Чорсу ва Кимёгарлар майдонлари, Темирийўл вокзали, Хамза Умаров номидаги кинотеатрининг тубдан реконструкция қилинган, Туркистон ва Алишер Навоий кўчаларида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари Қўқонни чинакам латиғ, ҳар томонлама обод шаҳарга айлантирди.

Эсимда бор, мен ўтган йили Қўқонда бўлиб, ана шу ишлар билан танишганимда шаҳар қиёфасининг мутлақо ўзгарганини кўриб, ҳурсанд бўлган эдим. Лекин Қўқон шаҳри вакиллари билан учрашув ва сўхбатлар чоғида уларнинг билдирган фикрлари, юз-қулариди қувонч ва миннатдорлик, одамларнинг кўтаринки кайфияти менда, айниқса, унутилмас таассурот қолдирган эди. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Қўқон аҳлига яна бир бор ўзимнинг самимий ҳурматим ва эзгу тилак-

ларимни изҳор этмоқчиман, деди Ислам Каримов.

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг октябрь ойида вилоят фаоллари билан бўлган учрашувда вилоят маркази бўлмиш Фарғона шахрини тубдан қайта қуриш ва реконструкция қилиш дастури ҳақида ҳам атрофлича гаплашиб олган эдик, деб сўзида давом этди давлатимиз раҳбари. Ана шу мажлисда билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий тақлифлар асосида Фарғона шахрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича махсус дастур қабул қилинган эди. Ушбу дастур ижроси учун барча манбалар ҳисобидан 1 триллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаш кўзда тутилганининг ўзи бу борада амалга ошириладиган ишларнинг кўлами ва миқёси нақадар катта эканини кўрсатиб турибди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ана шу дастур доирасида 164 миллиард сўм ва 12,4 миллион АҚШ долларини ҳажмидаги маблағ ўзлаштирилиб, авваломбор, 11 километр узунликдаги шаҳар ҳалқа йўли ва 2,8 километрлик маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари қайта таъмирланмоқда.

Шу билан бирга, 225 тадан ортиқ ижтимоий-маиший бино ва хизмат кўрсатиш объекти, 2 та кўпқаватли уй-жой, 2 та бозор, 5 та истироҳат боғи ва хиёбонлар, 8 та фавора янгитдан барпо этилди. Шунингдек, 13,5 километр ичимлик сув ва 5,5 километр газ тармоқлари ўтказилди, 32 та трансформатор, 105 километр узунликдаги электр тармоғи капитал таъмирланди.

Ана шундай катта қўламадаги ишлар туйфайли 16 мингта хонадон ва ижтимоий соҳа объектларининг ичимлик суви, табиий газ, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминланиши яхшиланди.

Амалга оширилган бундай ишлар ҳақида гапирганда, аҳоли, айниқса, ёшларнинг маданий дам олиши, бўш

вақтини мазмунли ўтказиши учун кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Фарғона шахрида 28 та болалар майдончаси, болалар спорт комплекси ва аквапарк қурилиб, 9 та замонавий аттракцион ўрнатилгани, Ёшлар маркази ва вилоят драма театри бинолари капитал реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.

Хозирги вақтда минг ўринли Санъат саройи ва беш юз тошбағинга мўлжалланган амфитеатр, Мустақиллик кўчасидаги савдо маркази ва унинг атрофидаги хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Шулар қаторида шаҳарда халқаро талабларга жавоб берадиган 20 минг ўринли замонавий стадион ва футбол мактабини яқин муддат ичида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ана шу ишларимизнинг барчаси Фарғонани том маънода гўзал ва бетакрор шаҳарга айлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши мўқаррар.

Бутун юртимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришларни кўрганда, биз бекорга яшамдик, ўзимизнинг куч-гайратимиз, ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни мана шундай улғу ишларга бағишладик, деб бошимизни бандан кўтариб, гуруру ва ифтхори билан айтишга ҳар томонлама ҳақлимиз, десам, уйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилисангиз. Менинг тилагим битта: Фарғонанинг қиёфасини тубдан ўзгартираётган мана шундай обод ва чиройли шаҳар ва қишлоқлар шу саховатли заминда яшаётган Фарғона халқига буюрсин, деди Юртбошимиз.

Президентимиз раҳбарнинг бугунги кундаги ўрни ва масъуляти ҳақида атрофлича тўхталиб, жумладан, қуйидаги фикрларни баён этди.

Айтиш керакки, амал ҳар қандай одамни синайди. Биз бундай ҳолларни кўп кўрганимиз. Сирти ялтироқ — ичи қалтироқ раҳбарларни ҳам кўрганимиз. Лекин одамларни барибир алдаб бўлмайди. Мен вилоятларга бориб, раҳбар-

ларни масъулятли лавозимларга тавсия қилаётганимда, биламанки, сизлар бу одамга эмас, аввало Президентга ишонасизлар. Президент бизни ҳеч қачон алдамаган деб, тавсия этилаётган номзодга ишонч билдирасизлар ва шу тарихи менинг зиммамга, менинг гарданиямга жуда катта масъуляти тушади. Мен доимо ана шу масъуляти ҳиссини чуқур англаб, сезиб яшайман.

Бугун замон тез ўзгаряпти, деймиш. Лекин замон эмас, одамлар тез ўзгаряпти. Бундай шариқта раҳбарлик қилишининг ўзи тобора қийин бўлиб борапти. Шу ўринда биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк халқнинг фарзандларини эканлигини яна бир бор эсга олишини истардим. Етакчилик масъулятини ўз бўйига олган ҳар қайси одам бу ҳақиқатни ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ англаши, эл-юртга қаратилган ҳар қандай зарбани ўзига олшига қодир бўлиши лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов тавсиясига кўра, 2011 йилнинг ноябрь ойидан буён Фарғона вилояти ҳокими вазиёсини бажарувчи бўлиб ишлаб келаётган Шуҳрат Мадаминович Фаниев вилоят ҳокими этиб сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Э.Сиддиқова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими раиси А.Ўйларсов, Фарғона давлат университети талабаси Г.Эргашева сўзга чиқдилар.

Юртбошимиз ўз нутқини яқунлар экан, жумладан, шундай деди.

Мен сиз, азиятларни яхши биламан, барчангизни чин қалбимдан ҳурмат қиламан, барчангизни яхши кўраман. Фарғона аҳли билан бўладиган ҳар бир учрашув менга катта маънавий озиқ беради.

Агарки бошқа сабаб бўлмаганда ҳам айни сизлар билан яна бир бор дийдор қиришиш учун ҳам Фарғонага келишим керак эди. Сизлар билан ҳар сафар учрашганда мен ўзимнинг энг яқин қадрдонларим

билан кўришгандек, суҳбат қилган-дек бўламан. Айни вақтда бошқа учрашувлар ҳам беихтиёр ҳаёлимга келади.

1989 йил 23 июнь куни мен Тошкентда Ўзбекистон раҳбари этиб тайинландим. 25 июнь куни эса Фарғона вилоятига келиб, мана шу биного кирдим. Гарчи республика миқёсидаги масъул лавозимларда, жумладан, Давлат қўлаб кўмитасида, Молия вазирлигида кўп йиллар ишлаган, Қашқадарё вилояти раҳбари бўлиб хизмат қилган бўлсам, Фарғона вилоятида мени ҳали кўпчилик танимасди.

Уша пайтда бу ерда қандай оғир ва қалтис вазият ҳукм сургани барчангизга, уйлайманки, яхши маълум. Обком биносини автомат таққан десантчилар қуриша олган, кўчаларда ҳам қуроли соқчилар. Тез орада Қўқонга қараб йўл олдим. Йўл-йўлак учраган одамларнинг кайфияти ниҳоятда тушкун, уларнинг қиёфасида ҳам-ташвиш яққол сезилиб турарди. Қўқонда, минг афсуслик, унча ёш йигит десантчилар билан бўлган тўқнашувда ҳалок бўлган экан. Албатта, бундай оғир вазиятда расмий шахслар билан учрашувлар бўлди-ю, лекин халқ вакиллари билан, Қўқон аҳли билан очик ва ошқоро мулоқот қилишининг имкони бўлмади. Уша кунларни мен ҳали-бери унутмайман, деди Ислам Каримов. Ҳақиқатан ҳам, бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг шахслар билан учрашувлар бўлди-ю, лекин халқ вакиллари билан, Қўқон аҳли билан очик ва ошқоро мулоқот қилишининг имкони бўлмади. Уша кунларни мен ҳали-бери унутмайман, деди Ислам Каримов. Ҳақиқатан ҳам, бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг шахслар билан учрашувлар бўлди-ю, лекин халқ вакиллари билан, Қўқон аҳли билан очик ва ошқоро мулоқот қилишининг имкони бўлмади.

Яратганимизга шукурки, мана энди халқимиз, жамоатчилигимиз билан бўлаётган учрашувлар ҳаммамизга манманунят, бандан руҳ бағишлади. Тилагим шуки, мана шундай учрашувлар кўпроқ бўлсин, нафақат мажлисларда, балки яхши кўнларда, тўйларда, байрамларда дийдор қириши барчамизга насиб этсин. Ҳаммамизни янада ёруғ ва қувончли кунларга етказсин, деди Юртбошимиз ўз нутқининг ниҳоясида.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН IV МОДАДА МУВОФИҚ 2012 ЙИЛГИ МАСЛАҲАТЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МИССИЯ ИШИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА БАЁНОТ

2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз ўсди. 2012 йилнинг сентябрига қадар бўлган даврда эса ушбу кўрсаткич асосий экспорт товарлар қурбларининг юқорилиги, давлатнинг фаол ширтироқида ички истеъмол ва инвестицияларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда амалга оширилган иқтисодий сиёсат чора-тадбирлари натижасида 8,2 фоиз ўсди. Бунда хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, қишлоқ ҳўжалиги ва сановатнинг изчил ривожланиши муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Ташқи иқтисодий алоқаларда Ўзбекистоннинг позицияси мустақам сақланиб турибди, яқинда олтин экспорт қилиш ҳажми камайганига қарамай, жорий операциялар ҳисоб-китоби бўйича профицит кузатилмоқда.

2011 йилнинг ўрталаридан пул-кредит сиёсати сезиларли даражада қатъийлаштирилди. Соф хоржиий активлар давлат депозитларининг, жумладан, Ўзбекистон Тараққиёт ва тикланиш жамағармасида тўпланиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ликвидлигини бартараф этишга доир операцияларининг фаоллаштириш ҳисобидан кўпайди. Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намойиш этиб келмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб қараганда, банклар капиталининг етарлилик коэффиенти юқори даражада сақланиб турибди.

2011 йилнинг ноябрида йиллик инфляция энг юқори даража, яъни 13,8 фоизга етган, ХВЖ ходимлари томонидан қўланиладиган истеъмол нархлари индексини ҳисоблашнинг муқобил услубидан келиб чиқиб ҳисоблаганда, 2012 йилнинг октябрь ойига келиб, 10,7 фоизгача пасайди. Ушбу инфляция кўрсаткичи сарф-харажатлар қўламлигига эришишга қаратилган ёқилги, коммунал хизматлар, нон учун тартибга солинадиган нархларнинг ошиши, шунингдек, миллий валюта курсининг пасайиши, пенсия ва иш ҳақининг сезиларли даражада ошиши ҳисобидан эҳтиёжнинг ўсишида ўз ифодасини топди. Расмий органлар услубига мувофиқ йиллик инфляция 7 фоиз атрофида бўлди.

Миссия томонидан 2012 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ўсиши кутилмоқда, айни пайтда ўрта муддатли истикболда иқтисодийнинг жадал ўсиш

(Давоми. Боши 1-бетда.)

суръатлари прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ўсиш бундан буён ҳам саноатлаштириш давлат дастури доирасида ички истеъмол талабини кенгайтириш ва инвестицияларни кўпайтириш сиёсати орқали қўллаб-қувватланади. Ташқи иқтисодий алоқалар ва солиқ-бюджет соҳасида мустақам позиция сақланиб қолиши кутилмоқда.

Таркибий ислохотларнинг жадаллаштирилиши, барқарор ва ҳар томонлама иқтисодий ўсишни таъминлаган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигининг янада ошишига хизмат қилади. 2012 йилда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ташаббуслар ижобий баъхобланмоқда ва уларни ҳаётга фаол таъбиқ этиш даркор.

Миссия расмий органларга бундан буён ҳам узок муддатли даврда инфляция даражасини пасайтириш, барқарор ва ҳар томонлама иқтисодий ўсишни таъминлашга эътиборни янада қучайтиришни тавсия этади. Шунингдек, миссия қатъий пул-кредит сиёсатини давом эттириш ва янада мослашувчан алмашув курсига риоя этишни ҳам тавсия қилди. Жаҳон иқтисодийтада ҳукм сураётган мураккаб вазият билан боғлиқ таваққулчиликларини амалга оширишда иқтисодий сиёсатни ҳаддан зиёд қатъийлаштириш имкониятлари пайдо бўлиши мушмил. Бундан ташқари, бюджет позицияси заифлашувининг олдини олиш, молиявий воситачиллиги янада кенгайтиришга оид чора-тадбирлар кўриш, айниқса, валюта ва ташқи савдонинг тартибга солиш тизимида, солиқ маъмуричилиги, давлат маблағлари ва уларни бошқаришни тартибга солиш бўйича ислохотларни амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётга оид маълумотлар сифатини ошириш ҳамда уларнинг тарқатилишини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий сиёсатга доир чора-тадбирларни кўриши ҳам тавсия этади.

Миссия ХВЖ ходимлари Ўзбекистонга ислохотларни амалга оширишда, жумладан, техник ёрдам кўрсатиш орқали кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлайди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органлари ва бошқа ҳамкорларга самимий меҳмондўстлик ҳамда самарали мулоқот учун миннатдорлик изҳор этади.

ЎЗХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТАШАББУСИ

ҚОНУН ИЖРОСINI ТАЪМИНЛАШ

аҳоли саломатлигини сақлашда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутади

Рашид МУРТАЗОЕВ, Қарши шаҳар партия кенгаши раиси, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Чикиндиларни йиғиш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш дунё миқёсидаги долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Тахлиллар кўрсатишчи, сўнгги йилларда маиший ва саноат чикиндилари йилдан-йилга кўпайиб борапти. Айниқса, маиший чикиндилар ҳажмининг ошиши экологик барқарорлик, аҳоли саломатлиги борган сари салбий таъсир кўрсатапти.

Шу боис кўшма йиғилишда «Чикиндилар тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси, Қарши шаҳар ҳудудини ободонлаштириш, экологик хавфсизлигини таъминлаш, чикиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга таъсирининг олдини олиш, чикиндиларни қайта ишлаш масалалари ҳақида батафсил сўз юритилди.

Йиғилишда ушбу масала бўйича Қарши шаҳрида кўп ишлар қилинаётгани қайд этилди. Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ахборотида маълум қилинишча, шаҳар чикиндихонасига бир кунда қарий 180 тон-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

на чикинди йиғилади. Йил давомида бу кўрсаткич 60000 тоннадан ортимоқда. Чикиндиларни вақтинча сақлаш учун 2011-2012 йилларда 27 та махсус жойлар қурилган. Вилоят ҳокимининг фармойишига асосан жорий йилнинг февраль-март ойларида шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига кўшимча маблағ ажратилиб, лизинг асосида 20 та трактор ва 40 та тиркама сотиб олинган.

Бироқ шунга қарамай, чикиндиларни зарарсизлантириш, атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш, шунингдек, уларни қайта ишлаш борасида камчиликлар бор. Хусусан, ёқилги харажатлари номувофиқ молиялаштирилаётгани ва харажатлар сметасида чикиндиларни зарарсизлантириш учун маблағ кўзда тутилмаётгани бунга сабаб бўлмоқда.

Илхом ОМОНОВ, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи аъзоси: — Шаҳримизда чикиндилар боғлиқ муаммоларни бартараф этиш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, уларни қайта ишлаш, соҳани модернизация қилиш ҳисобига замонавий технологияларни жорий этиш, бу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорларга зарур шарт-

шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмапти. Бу эса мазкур йўналишдаги корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаяпти. Масалан, шаҳардаги «Ал-Саид» корхонасиде янги технология олиб келиниб, автомобил шиналарини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Корхонада бир суткада 5 тонна, йилга 4745 тонна шина қайта ишланиб, резина гранула, ип ва сим ишлаб чиқарилаяпти.

Бироқ бу борада ўзига яраша муаммолар ҳам бор. Масалан, шаҳарнинг марказий чикиндихонасидеги аҳвол, хусусан, чикиндиларни утилизация қилиш, зарарсизлантириш масаласини жиддий ўйлаб кўриш керак. **Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ чикиндилар махсус дори воситалари орқали зарарсизлантирилган кейин 25 сантиметр тупроқ билан кўмилиши зарур. Лекин бу ишлар кўнгилдагидек ташкил этилмаёттир.**

Бунинг сабабларини ўрганганимизда, махсус техникаларнинг етишмаслиги маълум бўлди. Умуман олганда, худудларда чикиндиларни йиғиш, ташиш, ажратилиш ҳамда қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Хурсанд КЕНЖАЕВА, «Пахтазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Мамлакатимизда чикиндиларни олиб чиқиб кетиш, йиғиш, зарарсизлантириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ муносабатлар тегишли қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солинган. **«Чикиндилар тўғрисидаги қонун ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар устидан жамоатчилик назоратини изчил олиб бориш мумкин. Фақат бунинг учун фуқаролар фаолигига, қонун ижросига ҳурмат ва масъуляти ҳисси ошиши лозим. Шу боис, бу борада тарғиб-тўшунтириш ишларини қучайтириш муҳим аҳамият касб этади.**

Депутатлик гуруҳимиз олиб борган назорат-тахлил жараёнида маълум бўлдики, махсус автотранспортлар орқали чикиндиларни чиқариб кетиш шаҳарнинг ҳамма худудини қамраб олмапти. Масалан, Мустақиллик, Насаф, Жайхун, А.Навоий, Шибаев, Махтумули ва Бишкент каби шаҳарнинг марказий кўчаларидан маиший чикиндилар ҳар доим тўлқ чикарилиб кетилмапти. Бу эса аҳоли саломатлигига хавф солиб, атроф-муҳит

барқарорлигига салбий таъсир ўтказди.

«Чикиндилар тўғрисида»ги Қонун ижроси ҳақида шуни айтмоқчиманки, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш яхши самара беради. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан жамоат ташкилотлари ўзаро ҳам-ижтимоийликда иш курси, ҳар қандай муаммонинг ечими топилди.

Шу боис партияимиз депутатлик гуруҳи аъзолари мазкур йўналишдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти ва мутасадди идораларнинг истикболли ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шу мақсадда аниқ чоралар белгилаш лозим, деган фикрни ўртага ташлашди. Маълумки, бу масаланинг ҳал қилиниши чикиндиларни қайта ишловчи кичик корхоналарни кўпайтириш ҳамда чикиндиларни йиғиш, олиб чиқиб кетиш ишларини тизимли йўлга қўйиш, соҳага масъул ташкилотларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини кенгайтиради.

Йиғилишда кун тартибидеги масала юзасидан шаҳар ҳокимлиги, шаҳар таъбиқати муҳофаза қилиш қўмитаси, Уй-жой мўлҳодорлари ширкатлари уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутасаддиларининг ахборот ва фикр-мулоҳазалари тингланди. Йиғилиш сўнгида депутатлар ва мутахассислар билдирган тақлифлар асосида қарор қабул қилинди. Хозирда мазкур масалани Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибига кириштириш бўйича иш олиб борилаёттир.

Лазиза ШЕРОВА
эзиб олди.

ТАЪЛИМ — ДАРСЛИКДАН БОШЛАНАДИ

— Бу танловда илк марта қатнашаётганимга қарамай биринчи ўринни кўлга киритганимдан хурсандман, — дейди **Тошкент давлат педагогика университети доценти Махлоҳат Аҳмедова**. — Педагогика назарияси фанидан ўқув кўлланма яратдим. Унда асосий эътиборни педагогика тарихи, жумладан, Маъмун академияси олимлари томонидан амалга оширилган ишларга қаратдим. Сабаби, биз ўша даврда яшаган 10-15 та олим номини билар эдик холос. Ваҳоланки, Маъмун академияда 300 дан ортиқ мутафаккирлар фаолият кўрсатган. Мен улар орасидан 12 тасини (фан учун янги) ўз китобимга киритдим. Ушбу танловни ташкиллаштириб келаётган мутасаддиларга раҳмат айтиш мумкин. Бу каби соҳибдорлиқ бизни яна фаолроқ ишлашга ундайди. Хозирнинг ўзида менда янги дарслик яратиш гоёси пайдо бўлди.

— Китоб ёзиш, дарслик яратиш ниҳоятда хайрли иш, — дейди **1-ўрин соҳибига Жаззаҳ давлат педагогика институти профессори Холбўта Тўрақул**. — Бизнинг институтида нафақат таъ-

лим-тарбия жараёнига, балки илмий мактаблар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, ёш олимлар илмий ишларини кўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароит яратиш бўлиши, истеъдодли талабалар илк илмий тадқиқотларини тўплам ҳолида нашр этиш, устоз-шогирд аъёнларининг давом эттириш шуллар жумласидандир. Менинг назаримда мана шундай омиллар устувор бўлган даргоҳларда яхши дарсликлар, ўқув адабиётлари, тадқиқотлар, илмий ишланмалар юзага келади. Менга маънавий ва моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатган институти маъмуриятига, ҳамкасбларимга миннатдорчилик билдираман.

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2012» республика танлови натижаларига кўра, 71 та дарслик ва ўқув кўлланмалари ҳамда уларнинг муаллифлари голиб деб топилди. Шуллардан 24 та 1-ўрин, 23 та 2-ўрин, 24 та 3-ўрин соҳиблари мукофотланди. 40 та дарслик ва ўқув кўлланмалари ҳамда уларнинг муаллифлари рағбатлантуручи мукофотларга тавсия этилди.

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эртанги кун бизники, марра бизники!

ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШАМИЗ

дейишмоқда Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг «Толе» клуби аъзолари

15-16 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ МАЗКУР ТАЪЛИМ ДАРГОҲИДА ТЕХНИКА ВА ТРАНСПОРТ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАНИШИШ, ФИКР АЛМАШИШ ҲАМДА СОҲА ЯНГИЛИКЛАРИДАН ХАБАРДОР БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

— Президентимиз таъкидлаганидек: *биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак*, — дейди **Тошкент автомобиль ва йўллар институти ректори Мурод Икромов**. — Бугунги конференцияни ўтказишдан асосий мақсад талабалар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, улар томонидан олиб борилаётган илмий ишланмаларга соҳанинг етакчи мутахассислари эътиборини қаратишдир. Яқинда мамлакатимиз раҳбарининг чет тилларини чуқур ўрганиш бўйича қарори чиқди. Унда техника олий ўқув юртралига алоҳида эътибор қаратилган. Биз талабаларимизга нафақат соҳа янгиликларини ўргатиш, балки уларнинг чет тилларида эркин мулоқотга кира олишларига ҳам эришишимиз зарур. Бундай кенг қўламли ишларни амалга оширишда иқтидорли талабаларни бир жойга жамлаган «Толе» клубининг етакчиларига

таънаминиз. Улар техника ва транспорт йўналишида таҳсил олаётган барча ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштиришга интилишмоқда.

— «Толе» клуби автомобиль соҳасига қизиқувчи ёшларнинг билимларини мустаҳкамлашга ёрдам бериш, соҳа янгиликлари билан таништириш мақсадида ташкил этилган, — дейди **клуб аъзоси Камолитдин Зиёев**. — Ёшларни ташкилотчилик қобилиятини шакллантириш ҳам устувор йўналишларимиздан бири ҳисобланади. Айни пайтда клубда 7 бўлим фаолият кўрсатади. Хар бир бўлимнинг ўз етакчиси бор. Улар олий ўқув юртралига ҳам ва анжуманлар уюштирилади. Конференциялар олдида оптик талаби тизим орқали онлайн-видео учрашувлар ташкил этилади. Айни пайтда барча техника олий ўқув юртралига ҳам ва анжуманлар уюштирилади. Катта маблағ эвазига амалга оширилган бу ти-



Муродбек ЗИЁЕВ оlingan сурат.

— Бугун биз биринчи марта йиғилиб турибмиз, — дейди **ТАИЙ илмий ишлар бўйича проректори Олимжон Рискулов**. — Бу каби конференциялар ўтказилишининг сувийлигини таъминлашимиз керак бўлади. Бундан кейинги йиғилишларни фақат Тошкент шаҳрида ўтказиш билан чекланмоқчи эмасмиз. Виллоятлардаги олий ўқув юртралига ҳам бу каби анжуманлар уюштирилади. Конференциялар олдида оптик талаби тизим орқали онлайн-видео учрашувлар ташкил этилади. Айни пайтда барча техника олий ўқув юртралига ҳам ва анжуманлар уюштирилади. Катта маблағ эвазига амалга оширилган бу ти-

зимдан унумли фойдаланиши керак. Негаки, ёшлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида таҳсил олаётган тенгдошлари қайси йўналиш бўйича изланиш олиб бораётганидан хабардор бўлишлари лозим. Айни пайтда Италия, Швеция, Хитой ва Корея Республикаси каби давлатлардаги техника олий ўқув юртрали билан ҳам алоқа ўрнатганимиз.

— Илк конференция бизнинг институтида ўтказилишидан қанчалик қувонган бўлсак, зимамизда уни яхши ўтказиш масъулияти ҳам бор, — дейди **ТАИЙ талабаси Нигорахон Қаҳҳорова**. — Айни пайтда кўллаб соҳа мутахассисларининг фикрини тингладик, тенг-

дошларимизнинг маъруза ва тайёрлаган тақдиротлари билан танишиб чиқдик. Янги гоёлар устида биргаликда ишлаш бўйича фикр алмашдик. Ўйлайманки, бугун бошланган хайрли ишлар ўз натижасини тезда кўрсатади.

— Бугунги тадбирда институти номидан қатнашаётганимдан хурсандман, — дейди **Фаргона политехника институти талабаси Одилов Одилов**. — Бу каби конференцияларда фикр алмашиш баробарида соғлом рақобат муҳити юзага келади. Биз ҳозир танишган дўстларимиз билан кейинчалик видеоконференциялар орқали ҳам мулоқот қилишга келишиб олдик.

— Мен 2010 йилда шу даргоҳни магистратура йўналиши бўйича тамомлаганман, — дейди **Туриш политехника университети ўқитувчиси Абдор Толипов**. — Айни пайтда талабаларга дарс бериш. Конференцияда чет тилини ўрганиш бўйича бир қатор таклифлар айтилди. Кўпчиликка маълумки, Турин политехника университетида дарслар асосан инглиз тилида олиб борилади. Бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиманки, талабалар ўз йўналишларида билим олиш билан бир қаторда бир неча чет тилларини ҳам ўрганишлари зарур. Бу давр талаби.

Хар қандай соҳа бўйича маълум мутахассислар тайёрлаш хозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ўйлайманки, конференцияда қатнашаётган ёшлар бу ҳақиқатни теран тушунади ва юксак марраларни забт этиши учун интилади.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташкилот ва корхона раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

вилоятда янгидан қуриладиган, капитал реконструкция ва капитал таъмирланадиган қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан **ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Объектнинг номи	Бошлангич нарх (млн. сўм)		Қурилиш муддати
		ҚҚС билан	ҚҚСсиз	
1.	Шеробод туман тиббиёт биноларини капитал реконструкция қилиш (4-босқич).	5269,227	4391,022	330 кун
2.	Термиз шаҳридаги вилоят сил касалликлари диспансери ни капитал реконструкция қилиш (2-босқич).	3633,4	3027,833	300 кун
3.	Шўрчи тумани «Совжирон» қишлоғида қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хўнара коллежини реконструкция қилиш (240 ўринли ўқув биноси қурилиши билан).	1136,8	947,333	300 кун

Объектларни молиялаштириш Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ичимлик суви билан таъминлаш объектлари				
1.	Денов туманидаги «Янгиқошқоқ» маҳалласи «Санглок» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.	198,324	165,27	60 кун
2.	Узун туманидаги «Телпақинор» ҚФЙ «Тожиқобод» маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.	180,02	150,016	90 кун
3.	Қизилқум туманидаги «Қиршақ» маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.	115,954	96,628	90 кун
4.	Бойсун туманидаги «Шўроб» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.	259,109	215,924	150 кун
5.	Сариқосий туманидаги «Токчиён» ҚФЙ «Бирлик» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.	229,833	191,527	90 кун
6.	Қумқўрган туманидаги «Богаро» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.	306,893	255,744	150 кун
7.	Қумқўрган туманидаги «Янгиер» қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.	124,234	103,528	60 кун

Объектларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзили: Термиз шаҳри, А.Бақуменко кўчаси, 5-уй.
Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳолаганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларидан четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7

февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган объектлар бўйича оферталар баҳолашни, қўрсаткичлар тенг бўлганда, устуналик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади ҳамда қурилиш қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектурилиш» қўмитасининг қурилишида танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-76, 222-44-92, 222-44-57.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объектлар қийматига қараб 70 минг сўмдан 150 минг сўмгача.

Таклиф (оферта)ларни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати — оферталар очилиши кун ва соатига. Таклиф (оферта)лар очилиши, эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY’ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin
Latif G’ULOMOV	Ulug’bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat’yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o’rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

Реклама

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ЎЗАГРОСУФУРТА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК СУФУРТА КОМПАНИЯСИНING УРГУТ ТУМАН БЎЛИМИ

2013 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шартини таъминлаш ташкилотни танлаш бўйича **ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошлангич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
1.	Ургут тумани, Ургут шаҳри, Навоий шўх кўчасидаги «Ўзагросуфурта» ДАСК Ургут туман бўлими маъмурий биноси қурилиши.	241 534 568 сўм	289 841 481 сўм	4 ой

Қурилиш ишлари «Ўзагросуфурта» ДАСКнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: «Ўзагросуфурта» ДАСК Ургут туман бўлими.
Манзили: Ургут тумани, Ургут шаҳри, Навоий шўх кўчаси, 120-уй.
Телефон: (8366) 483-40-36.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисидаги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг тан-

«ТУРКИСТОН КИМ ОШДИ САВДОСИ» МЧЖ

2013 йил 18 январь куни ўтказилган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади:

Савдоларга Тахиятош шаҳар ҳарбий қисм тасарруфидаги 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 мх 5404, бошлангич нархи 2 477 500 сўм бўлган «ВАЗ-2106» русумли; 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 мх 5407, бошлангич нархи 2 716 400 сўм бўлган «ВАЗ-2106» русумли; 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 мх 5403, бошлангич нархи 2 829 000 сўм бўлган «Тико» русумли автогазонтаси во-ситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11-30 да бошланади ва қуйида қўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризиларни қабул қилиш савдо қунидан бир кун аввал тўхта-

Газетанинг навбатдаги сони 22 декабрь, шанба куниники.

BO‘LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56; Sport va vakolatchilik — 233-44-55; Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83, 233-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko’chasi, 32-uy.
Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro’yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko’chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 1246 9458 nuxxada bosildi.
Nashr ko‘rstikchisi — 220 t — Tijorat materiallari O‘zA yakuni — 22.10 Topshirilgan vaqti — 01.10
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV
ISSN 2000-7633
1 2 3 4 5